

ТАОМ ДИСКУРСИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЯТИ

*Облокулова Шахло Асрор қизи,
Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
shakhllooblokulova@gmail.com*

*Одилова Гулноза Комилжоновна,
филология фанлари доктори, профессор.
Тошкент Кимё халқаро Университети*

Аннотация. Ушбу тезисда таом дискурсининг лингвомаданий хусусиятлари, унинг тил, маданият, адабиёт, тарих, социология ва антропология билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил қилинади. Таом ва егулик инсон ҳаётининг асосий эҳтиёжларидан бири сифатида лисоний оламда муҳим ўрин эгаллаши, “таом”, “егулик”, “глюттоник дискурс”, “гастрономик дискурс” каби тушунчалар орқали ифодаланиши ёритилади. Шунингдек, тезисда таом дискурси нафақат пазандачилик ёки рецептлар доирасида, балки миллий маданият, урф-одатлар, тановвул этикети, диний ва мифологик қарашлар, бадий адабиётдаги гастрономик контекстлар билан боғлиқ кенг қамровли ҳодиса сифатида қаралади. Глюттоник дискурсадаги вербал ва новербал белгилар халқнинг этномаданий қиёфаси, ижтимоий ҳолати, миллий ошхонаси ва дунёқарашини акс эттириши таъкидланади. Тезисда бадий матнлардаги таомга оид бирликлар қаҳрамонларнинг руҳий портрети, ижтимоий мақоми ва миллий маданий кодини очишда муҳим восита экани асосланади.

Калит сўзлар. Таом дискурси, глюттоник дискурс, гастрономик дискурс, лингвомаданият, миллий маданият, глуттонимлар, таом концепти, бадий матн, гастрономик контекст, тановвул этикети.

Инсон табиатан егулик истеъмолсиз мавжуд бўла олмайди. Ибтидоий даврдан бошлаб одамзодда егулик топиш етакчи мақсад бўлиб келган. Инсоннинг тафаккури шаклланиш экан, энг аввало унинг физиологик кундалигидаги доминант мақсад – егулик унинг лисоний оламида каттагина ҳудудни эгаллаши табиийдир.

Сўз – инсон онги, юксак тафаккури маҳсули, у тушунчалар билан алоқадор. Сўз ва тушунча ўзаро диалектик муносабатда бўлганлиги боис, тушунча ва сўз ўртасида номувофиқлик ҳам, мувофиқлик ҳам бўлиши мумкин. Бу тилнинг – серкирралиги, ниҳоятда кенг имконият ва шароитга эгаллигидан далолат беради. Тушунча – инсоний билиш ва тафаккур маҳсули, сўз унинг воқеланиш шакли. Инсоният, жамият, маданият ва маънавият ҳамиша ривожланишда экан, бу икки унсур ҳам мутараққий бўлиб, бир-бирига таъсир этади, ўзгаради ва янгиланади[1]. Инсоннинг ижтимоий онги ўсиб борар экан, у истеъмол қилган егуликларнинг сифати ошиб боради. Лисонида ҳам таом ва егуликлар билан боғлиқ стереотиплар, прагматик тушунчалар динамик равишда ўсиши кузатилади. Таом ва тановвул билан боғлиқ мулоқот жараёни – таом дискурсида ўрганилади. “Таом”, “егулик” концепти атрофида ҳам турли синонимлар мавжуд. Олимлар таом ва егуликлар атрофида юз берадиган мулоқотни *гастрономик дискурс*[2], *кулинар-гастрономик дискурс*[3], *кулинарный дискурс*[4], *глуттонический*

дискурс каби терминлар билан атаб келишмоқда. Чет эл тадқиқодларида мазкур дискурсни “*restaurant discourse*” ёки “*food discourse*” деб ҳам аташади. Таом дискурси егулик ва ичимликлар билан боғлиқ мулоқот жараётларини тўлиқлигича ўз ичига олади.

Дунё тилшунослигининг долзарб муаммоларидан бири – тилнинг муайян қатламларида учрайдиган хусусий дискурсларнинг лисоний, ижтимоий, маданий, антропологик, семиотик хусусиятларини ўрганишдан иборат. Шунингдек, адабиёт ҳамда ижтимоий-маиший соҳаларда учрайдиган дискурсларнинг қўлланиш доирасини тадқиқ қилиш кенг ўрганилаётган муаммолардандир. Глюттоник дискурс маълум халқ маданияти, адабиёти, яшаш тарзи ва ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутди. «Глюттоник» истилоҳи қадимги француз ва ўрта инглиз тилларидаги *glotonie*, лотинча *gluttire* («ютиш») сўздан олинган, бу сўз *gula*, «томок» деган маънони англатади. «Глюттония» истилоҳи озиқ-овқат жараёнини яхлит ҳолда, яъни уни топишдан тортиб, ярим фабрикаларни қайта ишлаш ва истеъмолга яроқли маҳсулот тайёрлашгача бўлган жараённи ўз ичига олади»[5]. Глюттоник дискурсларнинг лисоний хусусиятларини тадқиқ қилиш, гастрономик истилоҳларнинг лингвокультурологик хусусиятларини ўрганиш, миллат ҳаёти, дунёқараши ва адабиётидаги ўрнини белгилашда ёрдам беради. Миллий маданиятни тарғиб этишда глюттоник фреймлар ва архетипларни қайта яратиш муаммоси жуда долзарб[6].

Рус тилшунослигида илк бор А.В.Олянич ўзининг “Презентационная теория дискурса” монографиясида турли хил дискурсларнинг функционал хусусиятларини таҳлилга тортар экан, гастрономик/глюттоник дискурсга ҳам таъриф бериб ўтади. Асосан глюттоник алоқа омон қолиш учун асосий эҳтиёж – озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжни амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, кейинчалик истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат тасвирлари ва тановвул қилиш билан боғлиқ маросимлар тасвирларини ўз ичига олишини Бундай ҳолда, “гастрономия” жуда кенг тушунилади. Лотин тилидаги *gluttire*дан олинган иккинчи “глюттония” атамасига келсак – ютиш, ютиш, сўриш, бу замонавий рус тилининг луғатларида йўқ; А.В.Оляничнинг сўзларига кўра, “глюттоник” атамаси бутун озиқ-овқат жараёнини тавсифлайди – озиқ-овқат маҳсулотларини қазиб етиштириш ва бирламчи қайта ишлаш, ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаш, озиқ-овқат тайёрлаш ва истеъмол қилиш жараёнини шз ичига олади[7]. “Глюттония” истилоҳи С. В. Захаровнинг диссертациясида ҳам келтирилади[8]. Бироқ, европалик олимлар егуликка алоқадор дискурсда бу истилоҳни қўлламайдилар. Шунчаки “*food discourse*”, “*gastronomic discourse*” истилоҳларини қўллашни маъқул кўрадилар[9]. Бугунги кунда таом тоам ва унга алоқадор лексик бирликларни ўзида жамлаган дискурс қандай номланишидан қатъий назар нафақат тилшунослар балки, тарихчилар, антропологлар ва социологлар томонидан ҳам қизиқиш билан тадқиқ қилинмоқда[10]. Таом дискурси – маълум бир маданият ва унинг ошхонси, тановвул меъёрлари ёки афзалликлари ўртасидаги муносабатларни локал ва глобал ракурсда ўрганади. Таом маълум маданиятнинг этник келиб чиқиши, ижтимоий жиҳатдан ривожланиш динамикасини аниқлаш имкониятини беради. Бу соҳа доимо тарихчи, антрополог ва социологларни ҳам ўзига жалб қилиб келган. Ҳарб тилшунослигида бир мунча кейинроқ таомнинг мустақил дискурс сифатида комплекс илмий тадқиқ этилганлигини кўриш мумкин[11].

Италиялик маданиятшунос олим Монтанари Массимо озиқ-овқат маданиятнинг ажралмас қисми эканлигига ишонган. У озиқ-овқат терминларининг морфологик мезонларини ишлаб чиқди. Италия тилида таом дискурсининг лингвистик тамойилларини ўрганди. Жаҳон пазандачилигида энг катта ўринни эгаллаган Италияда таом дискурсининг лисоний тадқиқига назарий база яратди[12].

2008 йилги “Consuming prose: The delectable rhetoric of food writing” номли мақоласида Лин Блум таом дискурси ва унинг жанрларини кенг муҳокамага тортади. Озиқ - овқат ҳақида насрий асар ёзиш маҳорати, таомни мазали тасвирлаш, гастрономик бадиият ва маъно уйғунлиги хусусида сўз юритади. Таом тасвирлари мавжуд бадиий матнларнинг услубий жиҳатлари, глуттоник тасвирларни ўрганади[13].

Таом дискурсига оид матнлар таржимаси бўйича мутахассис Эпстейн пазандачиликка оид ўлчов бирликлари, ошхона анжомлари, гўшт кесиш усуллари таржимасидаги турли тиллардаги маданиятга оид фарқларни ўрганди. Бир-биридан фарқли маданиятларда гўштни бўлакларда бир қатор фарқлар мавжуд. Эпстейннинг фикрича, таомга оид матнни таржима қилиш учун ошпаз ёки пазандачиликни тушунадиган мутахассислар билан маслаҳатлашиш лозим. У соҳага оид глоссарий ва терминалогик луғатлардан фойдаланиш, таржима трансформацияларини қўллаш, таом дискурси таржимасида муҳим эканлигини таъкидлайди[14].

19-аср Франция кулинар дискурсини илмий ўрганган тадқиқотчи Приссилла Фергюсоннинг таъкидлашича, “Кулинар дискурс таом истеъмолини назорат қилади, уни интеллектуал фаолиятга айлантиради” (Фергусон 2001: 31). Унинг сўзларига кўра, оммавий ахборот воситаларида кулинар дискурсининг ривожланиши рационнинг бойиши, янги таомлар ва маҳсулотларнинг истеъмолга кириб келишига туртки бўлади. Бу ошпазлик соҳаси тараққиётининг асосий сабабларидан бири деб айтиш мумкин. Эв Анукнинг таъкидлашича, оммавий ахборот воситалари орқали тақдим этиладиган кулинар дискурс фақатгина истеъмол учун эмас, балки ижтимоий ривожланиш, интеллектуал ўсиш учун ҳам муҳим. Сабаби, кулинар шоулардаги томошабин билан коммуникация янги маҳсулотларнинг кашф этилишига хизмат қилган[15].

Феодоровнинг фикрича, глуттоник дискурс овқатланиш билан боғлиқ матнлар, мулоқот усуллари, суҳбат содир бўладиган муҳит, мулоқот жойи ва вақти, мақсад ва мотивлари ва нутқ жанри ва услубдан иборат. Мазкур дискурсининг лингвистик белгилари ёки глуттонимлар (озиқ-овқатнинг белгилари ва унинг компонентлари, овқатланиш жараёни билан боғлиқ матн тузилмалари, мулоқот усуллари ва компонентлар) глуттоник дискурсининг коммуникатив белгилари: денотатив; директив; малака баҳолаш ва тақдимот. 1) Денотатив функция озиқ-овқат тасвирини яратиш, унинг сифат хусусиятлари, шунингдек, уни тайёрлашнинг онгдаги ўрни ва усули; 2) Директив – пишириш жараёнини тавсифлайди; 3) Малакавий-баҳолаш функцияси – озиқ-овқат тайёрлаш ва истеъмол қилиш жараёнига ижтимоий муносабат, шунингдек, маданий шакллар бу жараённинг ўзида устуворликлар. Институционал дискурсининг муайян турини тавсифлашда унинг қуйидаги таркибий компонентни ҳисобга олиш тавсия этилади:

1. иштирокчилар,

2. хронотоп,
3. мақсадлар,
4. кадриятлар (шу жумладан асосий тушунча),
5. стратегиялар,
6. материал (мавзу),
7. жанрлар,
8. прецедент (маданий) матнлар,
9. дискурсив формулалар

Бу таснифга суянадиган бўлсак, гастрономик дискурс иштирокчилари куйидаги соҳа вакиллари ҳисобланади: озиқ-овқат – ошпазлар, официантлар, шунингдек, гастрономияни ўрганаётган одамлар, томошабинлар, китобхонлар, пазандачилик дастурлари, блоггерлар, умумий овқатланиш корхоналари мижозлари. Гастрономик нутқнинг хронотопи гастрономик диалог содир бўладиган жой – ошхона, ресторан, ёзма мулоқот шаклида – таом тайёрлашни ўргатадиган китоблар, блоглар, гастрономик йўриқномалар. Кўпгина олимлар (Рус тилшунослари, масалан: Е. А. Гашимов, Д. Ю., Н. Н. Данилова, А. В. Занадворова, Н. Е. Камовникова, Е. В. Плетнева, В. В. Похлебкина) гастрономик дискурсни мулоқотнинг махсус тури сифатида ўргандилар[16].

Н. Н. Кацунова ҳам таом дискурсини “гастрономик дискурс” – деб атайти ва бу дискурс айнан ошпаз ва хўранда ўртасидаги ёзма ҳамда оммавий коммуникатив(оммавий ахборот воситалари нутқи) нутқни ўрганади деб ҳисоблайди. Олимнинг фикрича гастрономия – бу ошпазлик санъатининг нозик томонларини тушуниш ва билиш; таомнинг нозик таъми ҳақидаги фан, гастром – мазали таомни билувчи ва севувчи томонидан тушунилади. Гастрономияни талқин қилишда уни фан ёки санъат сифатида тавсифловчи хусусиятлар биринчи ўринга чиқади, буни рус ва инглиз таърифларидаги маркерлар тасдиқлайди (нозикларни тушуниш/билиш; санъат; махсус тайёргарлик каби)[17].

М.В.Ундрицова олам миллий манзарасини таҳлилга тортар экан, “гастрономик олам манзараси терминини қўллайди. Олам миллий манзарасининг шаклланишида гастрономик олам манзарасининг куйидаги компонентлари етакчилик қилади:

- 1) егулик ҳақидаги мифологик тасаввурлар;
- 2) дин нуқтаи назаридан егулик истеъмоли билан боғлиқ чекловлар ёки рухсатлар;
- 3) баъзи бир егуликларнинг асосий истеъмол маҳсулотига айланишига хизмат қилган иқлимий шароитлар;
- 4) географик жойлашувга табиат таъсири[18].

Ўзбек лингвистикасида илк бор глуттоник дискурсни ўрганган ф.ф.д., доц. Г.Одилова “Глуттоник дискурс маълум халқ маданияти, адабиёти, яшаш тарзи ва ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутди. “Глуттоник” истилоҳи қадимги француз ва ўрта инглиз тилларидаги глутоние, лотинча глуттире (“ютиш”) сўзидан олинган, бу сўз гула, “томоқ” деган маънони англатади. “Глуттония” истилоҳи озиқ-овқат жараёнини яхлит ҳолда, яъни уни топишдан тортиб, ярим фабрикатларни қайта ишлаш ва истеъмолга яроқли маҳсулот тайёрлашгача бўлган жараённи ўз ичига олади” – деб таъриф беради[19]. М.Ҳамидованинг фикрича, глуттоник дискурс миллий этно-психология, тарбия, ижтимоий одоблар маҳсули сифатида ҳам юзага келади. Ҳар бир миллат маданиятида таом ва тановвул одоби

боланинг ёшлик чоғиданоқ тарбия аппаратининг бир қисми ҳисобланиб келган. Таомланиш билан боғлиқ ахлоқий-эстетик қоидаларнинг шаклланишига, диний ва мифологик қарашлар сабаб бўлган. Адабиёт – миллий тарбиянинг энг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. У ўқувчига маънавий-эстетик завқ бериш билан бирга, шахс тарбиясида ҳам муҳим ўрин тутаети. Бадиий адабиётдаги таом ва у билан боғлиқ оғзаки ва ёзма матнлар глуттоник дискурснинг репрезентацион жанрлари туркумига кираети. Ҳар бир миллат адабиётида турли ёш категорияси учун ёзилган асарларда таом ва тановул сюжетлари, глуттоник коммуникация ва фантазияни талайгина учратиш мумкин. Бирок, миллий дунёқараш ва диний тушунчалар инъикоси бўлган глуттоник дискурсга оид контекстлар хорижий китобхон учун тушунарсиз бўлиб туюлиши мумкин[20].

Баъзи олимлар таом дискурсини кулинар дискурс сифатида талқин қилишади ва бу дискурснинг мулоқот формуласи: мулоқот+кулинар рецепт матни+контекст, иштирокчилари эса тажрибали ошпаз ва рецепт асосида таом тайёрлашга киришган мижоз, коммуникация жараёни ошхона эканлигини таъкидлашади. Гастрономик дискурс хронотопи тановул вақти, коммуникация мақсади эса тажриба ўрганиш эканлигини эътироф этишади[21]. Дастлаб кулинар дискурс тадқиқи деганда, тилшунослар мазкур дискурсни асосан пазандачиликка оид ёзма (рецептлар, кулинар китоблар), медиа форматда (кулинар шоулар ва блоглар) қўлланадиган коммуникатив мулоқот тадқиқини тушунишар эди. Мазкур назарий қараш тарафдорларининг фикрича, глуттоник дискурда нутқнинг асосий иштирокчилари умумий овқатланиш корхоналари ходимлари ва ташриф буюрувчилардир. Мазкур дискурс шунингдек, ходимлар ва ташриф буюрувчилар ўртасидаги алоқани ҳам ўрганади. Гастрономик нутқнинг хронотопи: 1) ошпазлик ишлаб чиқариш жараёни ва ҳар қандай умумий овқатланиш корхонасига ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш учун ажратилган вақт: корхона турига қараб кундузи, кечқурун, тунги; 2) овқат тайёрлаш ва ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш бўйича тегишли ишлар олиб бориладиган жой (ошхона, кафе, ресторан, бар ва бошқалар). Д.Ю.Гулиновнинг илмий тадқиқотида француз гастрномияси шу йўналишда таҳлил этилган ва француз гастрномияси таржимаси масалалари ўрганилган[22]. Е. А. Чередникова рус ва инглиз тил маданиятларининг гастрономик интернет нутқи аксиологик компонентининг тавсифини ўрганган[23].

Г.Одилова ҳам глуттоник дискурс фақатгина тор соҳа – пазандачилик (ошпаз ва хўранда ўртасидаги мулоқотгина эмас, балки миллий маданиятнинг фалсафа, социум ва дин билан омихта қисмини ўрганади деб ҳисоблайди. Ўзбек халқининг овқатланиши, таомлари ва ошхонаси атрофида юз бераётган жараёнлар – овқатни нон билан ейиш, овқатдан кейин чой ичиш, овқатни оила аъзолари таркиби тўлиқ бўлганда сузиш; дастурхонни кечқурун қокмаслик, овқат еб бўлгач юзга фотиҳа тортилганда пичоқни дастурхондан четга олиб қўйиш, ўртада лаганда ош сузилганда ошни еб бўлгач, ёғини нон билан ялаб лаганни тозалаб қўйиш ва бошқа кўплаб ҳолатларнинг вербал ва семиотик ифодаларини тушуниш ва тўғри интерпретация қилиш учун хорижлик сайёҳ ёки бизнес учун Ўзбекистонга узоқ муддатга келган шахс қўшимча экстралингвистик маълумотга эга бўлиши керак. Вербал характерга эга ҳолат барча тил ва маданият вакиллари учун таниш ва тушунилиши осон кечса, новербал характерга эга коммуникатив воситаларни тушуниш, ўзбек миллати вакили миллий-маънавий қиёфасини кашф

этиш, ўзбек гастрономик ОМЛМ ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш учун глуттоник дискурсни англаш керак[24]. Н.П.Головницкая глуттоник дискурсдан мақсад фақатгина егулик билан боғлиқ лисоний жараёнларни тизимга солиш эмас, балки, тановул нормалари, этикет қоидаларини таҳлил қилиш ҳам киради. Глуттоник коммуникация ҳар бир миллатнинг маданий қолини юзага чиқарувчи факторлардан бири ҳисобланади[25].

Дарҳақиқат глуттоник дискурс кенгрок тушунча бўлиб, маданиятшунослик, тарих, социология ва адабиётшунослик соҳаларига бевосита боғлиқ. Ишимизда бадиий адабиётда таом дискурсининг берилиши ва таржима муаммосини ўрганамиз. Ҳар бир миллий адабиётда таом ва у билан боғлиқ контекстлар етарлича учрайди. Таржимон бадиий таржима жараёнида муаллиф аслият аудиторияси учун қўллаган, глуттонимлар қаҳрамонларнинг нафақат таъби, балки руҳий портрети ва ижтимоий ҳолати ҳақида ҳам маълумот бериши мумкин.

Г. Одилованинг фикрича, киши бир миллатнинг гастрономик олам манзараси ҳақидаги тасаввурини глуттоник дискурсда учрайдиган қуйидаги информатив омиллар орқали жамлаб олиши мумкин:

- 1) этномаданият (овқатланишга оид вербал ва паравербал тушунчалар, кадрятлар, удумлар, урф-одатлар);
- 2) миллий ошхона (миллий таом, ширинлик, ичимлик ва газаклар, овқатланиш қоидалари);
- 3) ижтимоий ҳолат (истеъмол қилинадиган маҳсулот турлари, ошхона жиҳозлари, ресторан ва барларнинг сони, нархи ва тури);
- 4) миллий адабиёт (глуттонимлар тасвири, овқатланиш ва таом тасвири, бош қаҳрамонлар истеъмол қиладиган таомлар);
- 5) лингвогеография (худудий иқлим ўзгаришлари, миллий таомларнинг худудий харитаси, иссиқ ва совуқ таомларни истеъмол қилиш харитаси). Юқоридаги омиллардан максимал даражада хабардорлик ёт миллат кишиларининг кундалик глуттоник фаолиятида юз бераётган жараёнларни тўғри тушуниш ва баҳолаш, халқнинг маънавий қиёфаси, ижтимоий даражаси, кишиларнинг интеллектуал ақлий савияси ҳақида комплекс маълумотга эга бўлишга хизмат қилиши мумкин[26].

Юқоридаги барча тадқиқодлардан келиб чиқиб таом дискурсининг жанрларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

Ёзма – таомнома матнлари, кулинар китоблар, **бадиий адабиётда учрайдиган таомга оид контекстлар**, егулик ва таом рекламаси;

Аудиовизуал – кулинар шоулар, гастрономик блоглар, кулинар кўрсатувлар.

Таом дискурсининг жанрлари қаторига кирувчи бадиий адабиётда учрайдиган гастрономик контекстлар бир миллатнинг таомланиш рационали, ижтимоий ҳолати, тарихи ва маданияти ҳақидаги нолисоний ахборотларга ҳам эга бўлиши мумкин. Буни тушуниш учун таржимонда етарлича билим ва малака бўлиши керак. Биз кейинги бўлимларда глуттоник дискурс жанрларидан бири бўлган гастрономик бадиий матнларнинг лисоний ва прагматик хусусиятлари ва таржима масаласида сўз юритамиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Тилшуносликнинг фалсафий масалалари. Ҳ.Неъматов, Б.Менглиев, А.Ботирова.Монография.Тошкент:Globe edit.2020. –Б. 54(106б)
2. Буркова П. П. Кулинарный рецепт как особый тип текста (на материале русского и немецкого языков): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Ставрополь, 2004.; Головницкая Н. П. Лингвокультурные характеристики немецкоязычного гастрономического дискурса: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Волгоград: ВолГУ, 2007.
3. Савельева О. Г. Концепт «еда» как фрагмент языковой картины мира: лексико-семантический и когнитивно-прагматический аспекты (на материале русского и английского языков): Дис. ... докт. филол. наук. Краснодар: Кубанский гос. ун-т, 2006.
4. Банман П. П. Кулинарный рецепт как особый тип текста (на материале русского и немецкого языков): (монография). LAP Lambert Akademie Publishing. 2012.
5. Державецкая И. А. Ученые записки Таврического национального университета им. В.И. Вернадского. Серия «Филология. Социальные коммуникации». Том 26 (65). № 1. / Глуттоническая лексика и проблемы её перевода – С. 466-470.
6. Г.Одилова, –Б.4-5.
7. Олянич А. В. Презентационная теория дискурса: монография. Волгоград: Парадигма, 2007.
8. Захаров С. В. Лингвосемиотика англосаксонской институциональной глуттонии: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Волгоград: ВолГУ, 2008.
9. Burton, Katelyn Leigh, "You Are What You Eat: Investigating Food Discourse and Digitally-Mediated Identities" (2016). Open Access Dissertations. Paper 432. https://digitalcommons.uri.edu/oa_diss/432
10. de Certeau, Michel (1984). *The Practice of Everyday Life*. Berkeley, CA: U of California P. de Certeau, Michel, Luce Giard, and Pierre Mayol (1998). *The Practice of Everyday Life (Vol. 2: Living and Cooking)*. Heinz, Bettina, and Ronald Lee (1998). Getting down to the meat: The symbolic construction of meat consumption. *Communication Studies*, 49(1), 86-99. Meneley, 2004; Mintz and Du Bois, 2002; Pietrykowski, 2004; van der Veen, 2003.
11. Montanari, Massimo (2004). *Food is Culture*. (Albert Sonnenfeld, Trans.). New York: Columbia UP
12. Montanari, Massimo (2004). *Food is Culture*. (Albert Sonnenfeld, Trans.). New York: Columbia UP.
13. Bloom, Lynn (2008). Consuming prose: The delectable rhetoric of food writing. *College English*, 70(4), 346-362.
14. Epstein B. J. (2009). *What's Cooking: Translating Food*. Translation Nuts and Bolts.
15. Eve Annuk. Culinary discourse: Organic food in Estonia. doi:10.7592/EP.2.annu
16. Карасик В. И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. Волгоград: Перемена, 2002. - С. 116-238

17. Кацунова Н. Н. К вопросу о «синонимизации» дискурсов // Вестник Иркутского государственного лингвистического университета. Вып. 19, том 2, Иркутск: ИГЛУ, 2012. С. 187-192.
18. Ундрицова М.В. Глюттотонический дискурс: лингвокультурологические, когнитивно-прагматические и переводческие аспекты. Дисс. ... канд. филол. наук. – М.: 2015 – С. 13.
19. Бу ҳақда қаранг: Г. Одилова. Хусусий дискурслар лингвомаданий талқинининг назарияси ва амалиёти (глюттотоник дискурс мисолида): Филол. фан. д-ри дис. – Тошкент: 2021. – Б. 4.
20. М.Ҳамидова–Б.10. (1.1).
21. Буркова П. П. Кулинарный рецепт как особый тип текста (на материале русского и немецкого языков): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Ставрополь, 2004.
22. Гулинов Д. Ю. Национальная специфика французской лингвокультурной сферы «Гастрономия» (переводческий аспект): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Волгоград: ВолГУ, 2004
23. Чередникова Е. А. Экспликация аксиологической картины мира в гастрономическом интернет-дискурсе (на материале русского и английского языков): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Майкоп: Адыг. гос. ун-т, 2013.
24. Г.Одилова -.Б41.
25. Головницкая Н.П. Лингвокультурные характеристики немецкоязычного гастрономического дискурса: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2007. – 23 с.
26. Г.Одилова -.Б41.